

ОТАУЛИ

**СЎЗ
САНЪАТИДАН
САБОҚЛАР**

Мақолалар ва суҳбатлар

**Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2012**

УДК: 821.512.133
КБК 80

Ушбу китобда таниқли ёзувчи, таржимон ва мунаққид Отаулининг “Бир асар таҳлили”, “Портретга чизгилар” ва “Сўз санъатидан сабоқлар” туркумларидаги мақолалари ва айрим суҳбатлари жамланган.

Китоб сўз санъатининг моҳиятини, таъбир жоиз бўлса, авра-астарини ағдариб кўрсатиши ва ёзувчи меҳнатининг оддий кўзлардан ниҳон нуқталарини ёритиши билан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз. Аксарияти кейинги бир неча йил ичида ёзилган мазкур мақолалар муаллифнинг қарийб қирқ йиллик ижодий изланишларига ўзига хос якун, дейиш мумкин.

Масъул муҳаррир:
Маҳкам Маҳмудов

80
072

Сўз санъатидан сабоқлар: мақолалар ва суҳбатлар / Отаули, Масъул муҳаррир Маҳкам Маҳмудов. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – 296б.

УДК: 821.512.133
КБК 80

ISBN 978-9943-398-52-8

© Отаули, 2012
© “MUMTOZ SO‘Z”, 2012

Биринчи қисм

МАҚОЛАЛАР

ОТОЙНИНГ ЛАТИФ ЛУТФИ

Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг улуғ устозлари Фаридиддин Аттор, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий каби форсигўй шоирлардан ижодий таъсирлангани хусусида кўп ва хўп ёзилган. Холбуки ёзувчининг асосий иш қуроли тил бўлганидан кейин туркий тилимизни жаҳоний минбарларга юксалтира олган буюк мутафаккиримизнинг Яссавий, Саккокий, Дурбек, Лутфий каби туркигўй шоирлардан яна-да кўпроқ ижодий таъсирлангани ва аввало айти шу бир тилда ёзувчи салафлар тажрибаларига таянгани шак-шубҳасиздир. Айниқса, Шайхзода Отойи шеърятини Навоий шеърятини хазинасини очишда ўзига хос тилло калит бўла олади, дейиш мумкин.

Отойининг адабий мероси, ҳажм нуқтаи назаридан олиб қаралганда, форсигўй устозлар мероси қадар катта эмас, албатта. Бу меросда наинки бутун бошли “Хамса”, ақалли Лутфийнинг “Тул ва Наврўз” ва ё Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларидек биттагина дoston ҳам йўқ. Лекин бадиият, юксак шеърини нафосат нуқтаи назаридан Отойи шеърятини муаззам Шарқнинг энг улуғ шоирлари ижодидан зинҳор қолишмайди. Сирасини айтганда, агар туркий тил, хусусан, ўзбек тилининг мавқеини юксалтириш йўлида Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ва Аҳмад Югнакийлар бошлаган кутлуғ ҳаракат ҳазрат Навоий ижодида ҳайратомуз оламшумул ғалаба билан яқунланган бўлса, бунда Отойи, Лутфий, Саккокий шеърятини ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, энг муҳим руҳий-маънавий таянч вазифасини ўтаган.

Зотан, пушти-палагига кўра Хожа Аҳмад Яссавий зурёдларидан бўлмиш Шайхзода Отойи ўзбек шеърятини тарихида Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Кошғарий қаторида бадиий сўзни ҳикмат бўлмаса-да, ҳар қалай, чинакам санъат – сўз санъати, муҳташам шоҳбайт, гўзал шоирона лутф даражасига олиб чиқиб, маромига етказиб айта олган улкан сўз санъаткорларидан биридир. Бу шоиримизнинг она тилимиздаги ҳар бир сўзни баайни кўзбойлағич-сеҳргарнинг таёқчасидек абжирлик билан ўйнатиб, ўйноқи оҳангларга солиш маҳоратига қойил қолмаслик амримаҳолдир. Алишер Навоийнинг машҳур “Мажолис ун нафоис” асарида Отойидан келтирилган шоҳбайт ёдингиздадир: *“Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтирур, Ғояти нозук-лигидин сув ила ютса бўлур”* Мазкур шоҳбайтдаги Навоий тилга олган жузъий “айбғина” узрли, албатта, зеро ойда ҳам доғ бор! Муҳими шундаки, халқимизнинг “бир қултум сув билан ютиб юборгудек” таърифига асосланган ҳолда шунчаки гўзал муболага ва ё шоирона таърифгина эмас, авлиёи киромнинг ўзига хос лутфи карами, сўзлар воситасида яратган мўъжизаси сифатида Навоий эътибори ва эътирофини қозонган эди бу байт! Мазкур байт мисол тариқасида олинган ғазалдаги “бу санамнинг илки (кўли) шу қадар арик (тоза,

тиник, нозик, латиф)ки, арикни ариқда, лекин қўлни сувда эмас, сувни қўлда ювар” мазмунидаги шоҳбайт, табиийки, яна-да мўъжизалироқдир.

Бундай шоҳбайтларда акс этирилган мўъжизавий лутфлар Отойи шеъриятида бехисоб. Агар диққат қилиб қарагудек бўлсангиз, мазкур шеъриятдаги ҳар бир байт, аслини олганда, салгинага тутдек тўкиладиган омонат кулба эмас, мустаҳкам ва муҳташам қасри олий, том маънодаги шоҳона байт эканини кўрасиз. Уларда чиқитга чиқиши мумкин бўлган сўз ҳам, байт ҳам йўқ дейиш мумкин. Ҳар бири чинакам шоҳбайт! Мана, шундай шоҳбайтлардан яна бири: “*Отойи шеърининг лутфини билса, “Латофатнома”дан кечгай Хўжандий*” Агар форс-тожик шеърияти, умуман, муаззам Шарқ шеъриятида Хўжандийнинг “Латофатнома” достони нақадар машҳур бўлганини назарда тутсангиз, мазкур шоҳбайтда гўзал ифодаланган лутф ўз-ўзидан равшанлашади. Шунчаки муболаға ва ё манманлик эмас, ўз сўзининг кадр-қимматини яхши билган чинакам сўз санъаткори қалбидаги ғурур ва фахр туйғулари ифодаси, туркий тилга хос беқиёс ифода қудратининг ҳаққоний эътирофи бу байт! Модомики тугал бир достон ва ҳатто ғазал эмас, биргина байтда ифодаланган шу бир лутф бутун бир “Латофатнома” достонидаги лутфдан кучлироқ экан, бундан фахрланмай бўладими, ахир!

Отойи шеъриятидаги ҳар бир лутф теран мантиқ асосига қурилган бўлиб, улар ўқувчида табиий кулгу ва самимий завқ-шавқ уйғотади. Манови шоҳбайтнинг мантиқига қаранг!

*Банди зулфингдин Отойи кўнглини қилма жудо,
Ақл эмас девонани тутмоқ йироқ занжирдин.*

Дарҳақиқат, жиннини занжирдан бўшатиш ақлсизлик бўлганидек, табиатан галдир чинакам ошиқнинг далли-девона кўнглини маъшуқа сочининг банди-занжиридан жудо қилиш ҳам ақлдан эмасдир. Мустаҳкам мантиқий асос унда қўлланаётган шеърий санъат – ўхшатиш, муқояса, ташбеҳни жонбахш ҳаёт сувидек дафъатан яшнатиб-яшартириб юборади:

*Банди зулфинг паршон айла қошинг олида,
Ким янги ой кўзга равшанроқ кўринур кечқурун*

Мумтоз шеъриятда ёрнинг сочини тунга, қошини янги чиққан ой – хилолга ўхшатиш кўп учрайди. Лекин тун қанчалик зимистон бўлгани сайин хилолнинг шунчалик ёрқин кўзга ташланиши – бу табиат қонуни, айтиш мумкинки, ўзига хос нисбийлик назарияси Отойи шеъриятига хос гўзал ўзбекона лутфнинг мустаҳкам мантиқий асос-пойдеворидир.

Отойи ғазалларидаги ўхшатиш-ташбеҳлар кўпинча кутилмаган ва теша тегмаган, ниҳоятда оҳорли шаклларда бўлиб, улар гоҳ муболағали таъриф, гоҳ сўз ўйини, гоҳ самимий дил изҳори тусини олади. Маълумки, мумтоз шеъриятимизда кўзнинг оқи билан қораси атрофидаги шоирона ташбеҳлар кўп учрайди. Лекин кўзнинг оқини – иймонга, қораси, қорачиғини – куфрга менгзаш, бундай фавқулодда ўхшатишни фақатгина Отойи шеъриятида кўрамыз:

*Қароси кўзларингнинг оқи бирла,
Ажаб куфредур иймон бирла ҳамроҳ.*

Биргина кўзда иймон билан куфрнинг ўзаро сиғишуви, айниқса, иймоннинг куфрни ўраб туриши, иймоннинг қорачиғида куфрнинг нашъу намо

топиши... жафокор ёрнинг феъли билан фитнакор кўзларнинг атворини бундан-да гўзалроқ таърифлаш мумкинми сира!

Мумтоз шеърятимизда ёрнинг ўзини, юзини, дудоғини, лабини, бутун қадди-бастини гулга қиёслаш шу қадар кенг тарқалганки, улар ҳатто қадимий ўзбекона исмларда ҳам ўз ифодасини топган. “Ойгул”, “Орзигул”, “Гулнор”, “Гулноз”, “Гулюз”, “Гулбадан”... қабилдаги гул билан боғлиқ исмлар халқимизда кўплаб учраши бежиз эмас, албатта. Лекин Отойи учун ёр юзини гулга менгзаш камлик қилади. Шоир наздида ҳар қандай гул бу юзнинг кичик бир таркибий қисми, дейлик, ғунчадек лабларгагина ўхшайди. Бошқача айтганда, ёрнинг қиёфаси шундай бир мажмуаи ҳусн, гўзал гулдастаки, гул бу мажмуанинг бир жаридасигинадир:

*Юзинг мажмуаи ҳуснедурурким,
Ўқурлар гулни андин бир жарида*

Ёрни васф этар экан, Отойи лутфи гоҳо шундай муболаға касб этадики бундан ортиқроғини ўйлаб топишнинг ўзи мушкул! Қуйидаги “кўндаланг савол”да халқ оғзаки ижодининг ўлмас қаҳрамони Хўжа Насриддин афандининг қиёфаси, зукколиги, ўзбекона лутфи аён кўриниб турибди, дейиш мумкин:

*Юрарда енг билан оғзингни тутма,
Нимаким йўқ турур, ёшурмогинг не?*

“Оғзи – ўймоқ”, “қоши – камон”, “лаби – ғунча” қабилдаги таърифларда муболаға даражаси ҳаминқадар, албатта. Лекин оғзи мутлақо йўқ, яъни, балойи нафсдан батамом ҳоли ёр!.. Отойи наздидаги бундай ёр агар маҳлуқ бўлса, мазкур лутф – авж пардадаги муболаға, агар Ҳолиқ бўлса, муболаға эмас, айни ҳақиқатдир, Ҳақ Таоло таърифидига Ҳақ Сўздир. Буни қандай тушуниш ҳар кимнинг ўз таъби назми, фаҳми-фаросатига боғлиқ. Ҳар қалай, энг олий ҳақиқат билан ғирт ёлғонни биргина шоҳбайтга сиғдириб, “хоҳланг – ундоқ, хоҳланг – бундоқ тушунинг” дейиш чинакам сўз заргари Отойи шеърый маҳоратидан ёрқин далолатдир.

Лутфнинг фақатгина ўзбек халқи эмас, жаҳондаги кўпгина халқлар орасида кенг тарқалган тури, маълумки, сўз ўйини ҳисобланади. Ҳар бир сўзи баайни ўйнаб-ўйноқлаб турган Отойи шеърятисида, табиийки, сўз ўйини ҳам кўп учрайди. Мана, шулардан бири:

*“Меҳригиёҳ” дерлар они, топмадим, нетай,
Экдим кўнгулга меҳру муҳаббат гиёҳини*

Меҳригиёҳни топиш учун кўнгилга меҳр-муҳаббат гиёҳини экиш... “Меҳригиёҳ” сўзининг туб луғавий маъноси билан кўчма маъносини ўзаро “уриштириб” ўйнатиш... Мазкур шоҳбайтдаги латиф сўз ўйини Алишер Навоийнинг

*Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо, оромижоне топмадим*

шоҳбайти дунёга келишига ҳал қилувчи туртки бериб, ундаги қўшалок сўз ўйинига асос бўлиб хизмат қилгани шак-шубҳасиз, албатта.

Отойи шеърятисидаги бундай шоҳбайтларнинг энг гўзали ўзи мансуб ўзбек халқи шаънига битилгандир:

Бу улуста кўпни кўрдук, вале эй ўзбеким,

Дилраболикта ўзингтеқ шўхи раъно кўрмадук

Ўзбек халқини туркий улуснинг энг дилрабоси дея таърифлаш!.. Халқ шаънини юксалтирувчи бундан-да гўзалроқ лутф бўлиши мумкинми сира?! Яна шуниси ҳам борки, мазкур шоҳбайт бутун ўзбек адабиёти тарихида ўзбек халқи шаънига битилган энг биринчи ва энг гўзал мадҳиядир. Буюк Алишер Навоийнинг “Ўзбегим бошида дўппи, эгнида ширдоғи бас” сингари шоҳ сатрлари, буюк Абдулла Қодирийнинг Кумушбиби ва Раънодек гўзалликда беназир сиймоларни яратишда қўллаган “раъно гулидан суви”, Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон – Ватаним маним” шеърий манзумалари шу шоҳбайтдан бошланган қутлуғ анъаналарни ижодий ривожлантиришнинг ибратли намуналаридандир. Қарийб етти асрлик бу қутлуғ анъана Ўзбекистон давлат мустақиллигининг шарофати билан ўзининг авж нуктаси – Ўзбекистон давлат мадҳиясига ўз-ўзидан ғоят табиий равишда уланди.

Отойи яшаган даврда ўзбек халқ оғзаки ижодидаги лутф, хусусан, сўз ўйинига қурилган аския ва латифа жанрлари айнан қандай қиёфа касб этгани хусусида бугунги кунда аниқ бир нима дейиш қийин. Ҳар қалай, шуниси шакшубҳасизки, Отойи шоҳбайтларида нозик ифодаланган лутфлар мазкур жанрлар ривожига ўзининг самарали таъсирини кўрсатган. Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ижодини аввал-бошдаёқ юксак баҳолаб, чинакам ўзбекона лутф намунасини нафақат шеъриятда, балки бир жумла наср ва биргина саъй-ҳаракатда аён кўрсатган Мавлоно Лутфий ҳазратлари ўзларига танлаган тахаллусга ҳам Отойи ғазалларидаги гўзал шоирона лутфлар туртки берган бўлса ажаб эмас. Шунингдек, мумтоз ёзма адабиётимиздаги сўз ўйинига асосланган туюқ ва мувашшах, замонавий шеъриятимиздаги пародиянинг туб илдизи ҳам Отойи шеъриятида нафис ифодаланган ўзбекона лутфга бориб тақаладики, бундай таъсир жараёнларини атрофлича илмий тадқиқ этиш мустақиллик даври адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан бири хисобланади.

Ўзбекона лутф, хусусан, сўз ўйинининг каттаси Отойининг тахаллусида аён кўринади. Сирасини айтганда, ўзбек адабиёти тарихида ҳеч бир ижодкорнинг тахаллуси, ҳаттоки “Навоий”, “Бобур” ва “Машраб” тахаллуслари ҳам “Отойи” тахаллуси қадар пурҳикмат-сермаъно эмасдир. Жуда кўп йиллар мобайнида адабиётшуносларимиз бу шоирнинг тахаллуси асли “Отойи”ми, “Атойи”ми дея баҳслашиб келдилар. Холбуки бу ўринда, аслини олиб қаралса, баҳсга ҳожат йўқдир. Аввал-бошда тахаллус ҳар икки маънода қўлланган! Зотан, “Ато этилган”, “Атойи Худо” маъноси билан “Ота” маъноси бир-бирини инкор этмайди, балки, аксинча, тўлдириб келади. Том маънодаги ОТАЛИК, яъни, азиз-авлиёлик ҳам, падари бузрукворлик ҳам ҳамиша Худо ёрлақанган бандасига Унинг Ўзи томонидан ато этилган, яъни, бошқачароқ айтганда, “буюрилган” бўлади. Бутун башариятнинг отаси Одам алайҳиссаломни ҳам “Одам Ота”, ҳам “Одам Ато” деб аташимиз, албатта, бежиз эмасдир. Бутун башариятнинг энг катта отаси Одам алайҳиссалом ҳам “Одам Ота”, ҳам “Одам Ато” деб аталиши, албатта, бежиз эмасдир. Қадимда тилимиздаги “тоға” сўзи “тоғойи”, “опа” сўзи “опойи” тарзида талаффуз этилганидек, “ота” сўзи ҳам

“отойи” сифатида талаффуз этилган. Бугина эмас. Тахаллус замирига шу икки маънодан ташқари яна иккита маъно ҳам яширинган. Тилимиздаги “атайин” сўзи гоҳо “н” товуши тушириб қолдирилган ҳолда “атайи” тарзида ҳам талаффуз этилади. Агар бу сўз талаффузда салгина ўзгартирилиб, “Отойи” тарзида айтилса, демак, “отмоқ” феълнинг ўзагидан ясалган бу сўз “отилган”, яъни, “камондан отилган ўқ” маъноси англата олади. Ўзбекона лутфу сўз ўйинининг гўзал намуналарини яратган, тилимиздаги ҳар бир сўзнинг маъно товланишларини нозик илғаган ва улардан маҳорат билан фойдалана олган чинакам сўз санъаткори Отойи, бизнингча, ўз тахаллусини мана шу тўртала маънода баравар қўллайди.

Бир мухлис сифатидаги дастлабки кузатишларимиздан хулоса шуки, Отойи шеърятини латифадек латиф ўзбекона лутфнинг ўзига хос сарчашмаси сифатида биз учун алоҳида қадрлидир.

2008

УЛУҒ НОСИР

(Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари ҳақида)

Мумтоз ўзбек шеърятининг она тилимиз жозибасини аён кўрсатувчи энг қадимий, содда ва халқона намунаси Аҳмад Яссавий ҳикматлари бўлганидек, ўзбек насрининг энг қадимий, содда ва халқона намунаси Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридир. Тўғри, ўзбек мумтоз насри тарихида Пошшохожанинг “Гулзор” ва “Мифтоҳ ул адл”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” асарлари, панд-насихат, саргузашт, ҳасби ҳол ва бошқа йўналишлардаги кўпдан-кўп насрий асарлар ҳам яратилган. Айниқса, бир пайтлар “Халқ китоблари” деб юритилган ва асрлар мобайнида ота-боболаримизга яссавий-хонлик, навоийхонлик, машрабхонлик, бедилхонликлар қадар улкан завқ-шавқ бағишлаган қиссахонликлар учун асос бўлиб хизмат қилган “Або Муслим”, “Иброҳим Адҳам” сингари жангнома тарзидаги саргузашт асарларни айтмай-сизми! Шўро тузуми даврида унутилишга юз тутган бу қиссаларнинг бошида ва қиссахонликларнинг марказида ҳақли равишда Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари туради. Асрлар мобайнида “Қисасул анбиё”, яъни, “Пайғамбарлар қиссалари” номи билан машҳур бўлиб, тиллардан тилларга ўтиб келган бу асарнинг фазилатлари, оҳанрабои, жозибаси наинки ўзбек насрида, айтиш мумкинки, жаҳон насрида ҳам камёбу ноёб ҳодисадир. Худди Шайхзода Отойи ғазаллари каби, бу асарнинг ҳам ўйноқи оҳанги, равон халқона тили, гўзал шоирона лутфлари ҳар қанча таърифу таҳсинларга арзигуликдир.

Хўжа Аҳмад Яссавий ҳикматлари Қуръон ва ҳадисларнинг ўзига хос шеърий тафсири бўлганидек, Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисасул анбиё”сини Қуръони Каримнинг бадий насрдаги бетакрор тафсири, шарҳи, илоҳий китобнинг ўзига хос насрий баёни дейиш мумкин.

Маълумки, ўзбек адабиётида ҳам, жаҳон адабиётида ҳам Қуръони Каримга, унда тилга олинган қиссаларга таяниб яратилган шоҳ асарлар талайгина. Масалан, Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ-ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон-ут-тайр” фалсафий дostonлари... Буюк италян шоири Дантенинг “Илоҳий комедия” асари ва ё улуғ рус адиби Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романи насронийлик дини асосларига таяниб яратилгани, Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” ва ўз ёзувчиларимиз Аббос Саиднинг “Беш кунлик дунё”, Шойим Бўтаевнинг “Шох” романлари эса, “Уста ва Маргарита” романи таъсирида ёзилгани кўпчиликка маълум. Айтиш мумкинки, “Қисаси Рабғузий” асари бу асарларнинг барчасига нисбатан аслиятга яқинроқ, тафсилотларга бойроқ, шуниси билан ибратлироқ, халқимиз руҳига нисбатан яқинроқдир. Етти асрдирки, бу асар етти ёшдан етмиш ёшга қадар ҳар бир қорақўз ўзбек севиб мутолаа қиладиган ва иштиёқ билан тинглайдиган мароқли китоблардан бири бўлиб келмоқда.

Фақат етмиш йиллик худосиз Шўро тузуми пайтида бу асар ҳам четга суриб кўйилди. Мана, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг шарофати билан бу шоҳ асарни қайта кўлга олиб, қайта-қайта мутолаа қилиш, ҳар бир қисса, ҳар бир қиссадан ҳисса, ҳар бир жумланинг мағзини чақиш ва дил-дилдан завқ-шавқ туйиш бахтига қайта эга бўлиб турибмиз. Дунёни тушуниш ва Жаноби Ҳақни танишда Каломуллоҳ ва Пайғамбаримиз ҳадислари, буюк мукаллим ва муҳаддис боболаримиз мероси, Аҳмад Яссавий ҳикматлари билан бир қаторда Мавлоно Носуриддин Бурхонуддин Рабғузий сабоқлари ҳам ҳар биримизга беминнат хизмат қилмоқда.

Рабғузий асарининг энг муҳим фазилати шундаки, Оламнинг ва Одамнинг яратилишидан бошлаб Одам алайҳиссаломнинг икки ўғли Қобил ва Ҳобил, сўнг Шис, Идрис, Нух, Ҳуд, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Мусо ва Ийсо пайғамбарлар, пайғамбари ақрам Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятининг аксар кўпчиликка номаълум жиҳатлари барча кизиқиб ўқийдиган ва мароқланиб тинглайдиган жозибали услуб ва равон тилда ҳикоя қилинади. Бугина эмас. Ҳар бир ҳикоя, ҳар бир қиссадан тегишли ҳисса ҳам чиқарилади. Қаламга олинаётган воқеа-ҳодисаларнинг кўпчиликка ибрат бўларли томонлари очиб кўрсатилади ва сабоқлар берилади. Масалан, оламнинг яратилиши хусусида сўз юритар экан, Рабғузий, жумладан, шундай дейди: “Хабарда андоқ келур: якшанба кун кўкларни яратти, душанба кун ойни, кунни, юлдузларни яратти, сешанба кун олам халқинда куш-қуртларни, фаришталарни яратти, чаҳоршанба кун сувларни яратти; елларни, булутларни чиқорди, йиғочларни, ўт-емларни яратти, ундирди. Рўзиларни улаштирди. Панжшанба кун ужмоҳ, тамуғни, раҳмат ва азоб фаришталарини яратти, хурларни яратти. Азина кун Одамни яратти. Шамба кун нарса яратмади”. Нақадар содда, равон, бугунги кун ўқувчисига ҳам осонгина тушуниладиган жумла, шундай эмасми! Қуръони каримни, ҳадислар ва тафсириларни билган уламолар учун ушбу жумлада янгилик бўлмаса эҳтимол. Лекин жумла яқунидаги яна бир гапга алоҳида диққат қилинг: “Бу камуғ нарсаларни, тақи минг мунча нарсаларни кўз юмуб очқунча яратқу яроғи бор эди”. Яратган Эгамнинг Қодирлиги ва Қудратининг нақадар чексизлигини аён кўрсатувчи мухтасар таърифга қаранг! Олам ва Одамни, жамики “беш кунлик дунё”ни, “тақи минг мунча нарсалар”ни кўз юмиб очқунча яратишга қодир Яратган нега бу ишга беш кеча-кундузни сарфлаб, бир кеча-кундуз сукутга чўмди экан?! Кейинги жумладаги “қиссадан ҳисса” бу саволга аниқ-тиник жавоб беради. Шунинг учунки, “қулларига таълим қилди: менки шундай Қодир бўла туриб шошилмадим, эй ожиз бандалар, сиз ҳам шошилмасдан, оқибатини ўйлаб иш қилинг!..” Мана, ҳар нега қодир Яратганнинг таълимию мавлоно Рабғузийнинг ҳикматомуз сабоғини кўринг! Бундай сабоқлар, назаримда, аввало ижоддек ўта мушкул ишни ўз зиммасига олган, айтса арзигулик бир-икки асарни ёлчителиб ёзар-ёзмас ўзини худди бутун оламни яратиб кўйгандек ҳис қиладиган ижодкорларга бугунги кунда ҳам жуда-жуда асқотади...

Рабғузийнинг ҳар бир қиссаси, ҳикояси, латифаси, ғазали ва рубойиси, хаттоки ҳар бир жумласида худди шундай қимматли сабоқ бор, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Масалан, еру осмоннинг сифатлари ҳақида ёзар

экан, Рабғузий иблис алайҳи лаънанинг келиб чиқиши, пушти-палаги, ҳаттоки отларига алоҳида тўхталиб ўтади. Михаил Булгаков романида “Азозелла”, бизнинг тилимизда “Азозил” деб аталувчи бу шайтон даставвал “Ҳорис” деб аталган ва етти қават ер остида яшаган. Унинг бобокалонлари эса, эркак арслон қиёфасидаги Жаблит ва бўри қиёфасидаги Таблит бўлиб, уларнинг илонники ва чаённикига ўхшаш думлари бўлган. Лекин Ҳорис астойдил тоат билан етти қават ер остидан ер устига чиқди ва ер устида ҳам шундай тоат қилдики, унда Ҳорис сажда қилмаган бир қарич ер қолмади, натижада етти қават осмонга юксалди, ҳаттоки фаришталарга устод бўлди! Лекин ўзининг олов ёлқинидан бино бўлганию чеккан беадад захмат-машаққатлари учун такаббурликка берилиб, тупроқдан бино бўлган Одамга таъзим қилишни истамади, аксинча, Тангрига исён қилдики, “Мани ўттин яратдинг, ани қора тупроқдин яратдинг”. Рабғузий Азозилнинг Иблисга айланиш тарихини шундай якунлайди: “Қачон Азозил бу ҳужжатни қилди эрса Азозил отини кўтардилар, Иблис от бердилар, маъниси “ноумид” демак бўлур”. Атиги бир неча жумладангина иборат насрий баёнда Иблиснинг бутун ҳаёти, “иблис” сўзининг туб луғавий маъносигача ёритилибгина қолмай, яна шундай “қиссадан ҳисса” чиқарилади ҳам: “Иблиси лаин ўтни тупроқдин ортуқ теди. Билмадиким, тупроқ ўтдин ортуқ турур. Ул далил узаким, ўт ўғри турур, қаю нарсани ўтга берса йўқ қилур, яна бермаз. Аммо тупроққа бир овуч солсанг ўнни юз қилиб санга берур”. Келтирилган жумланинг мантиқига боқинг! Шарқ фалсафасида кўп бора тилга олинган тўрт унсур – ўт-олов, сув, ҳаво, тупроқдан ўт – ўтар, сув – оқар, ҳаво – учар, лекин тупроқ... ўткинчи, оқувчи, учувчи, хуллас, муваққат эмас, турғун-абдий! Олов билан тупроқ ўртасидаги энг катта фарқ яна шундаки, ҳамма нарсани ялмоғиздек ямламай ютадиган ўт баднафслик ва бахиллик тимсоли, ҳаммага ризқ-рўз улашадиган тупроқ эса, аксинча, саҳийлик-саҳоват ва меҳр-мурувват тимсолидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, дейлик, Аҳмад Яссавий ҳазратларининг “Тупроқ бўлғил, олам сени босиб ўтсин” ҳикматли сатри, “Алпомиш” достонида – бутун бир эпосда батафсил бадий талқин этилган бахиллик ва саҳийлик фалсафаси ва ё Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” фалсафий романида қаламга олинган бир воқеа замиридаги теран маъно-мантиқ яна-да ойдинлашади. Ёдингизда бўлса, романда Раззоқ сўфи пири муршиди Хаст эшоннинг олдига шундай мантиқан асосли саволларни кўндаланг қўяди: “Худо ҳам аввал беради, кейин олади, ер ҳам аввал едиради, кейин ейди... Сен нимасан, кимсан, Худодан зўрроқ, ердан кучлироқмисан: оласан – бермайсан, оласан – бермайсан?!” Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз, мазкур кўндаланг савол замиридаги мантиқ ипининг бир учи ҳазрат Рабғузий асарида келтирилган “қиссадан ҳисса”га бориб боғланади.

Нафақат Қуръони Каримда нозил бўлган, балки Рабғузий асарида ҳам битилган энг гўзал қиссалардан бири, шак-шубҳасиз, Юсуф алайҳиссалом қиссасидир. Асардаги мазкур қисса ва ундан чиқарилган ҳиссаларни атрофлича таҳлил қилиб, қиссахонлик, яъни, рабғузийхонлик шавқини теранроқ туйишни ўқувчининг ўзига ҳавола қилайлик-да, бу ўринда биргина ҳолатга эътиборни қаратайлик. Нафақат Рабғузий ижоди ва ё ўзбек шеърлятида, балки жаҳон ада-

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм. Мақолалар.

Отойининг латиф лутфи.....	3
Улуғ носир (Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари ҳақида).....	8
Тонг юлдузи шуълалари (Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи таҳлили).....	13
Тасаввур зиёси (Абдулҳамид Чўлпоннинг “Ёрқиной” драмаси таҳлили).....	33
Такдир тақозоси (Чингиз Айтматовнинг “Қулаётган тоғлар (Мангу қайлик)” романи таҳлили).....	41
Билганинг билгани (Асқад Мухтор портретига чизгилар).....	51
Шиддат (Озод Шарафиддинов портретига чизгилар).....	55
Ижодий тажриба мактаби (Тўлепберген Қаипбергенов портретига чизгилар).....	60
Ҳикматлар карвони (Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романи таҳлили).....	67
Буюк учлик (Одил Ёқубовнинг “Оққушлар, оппоқ қушлар...” романи таҳлили).....	77
Тилсимнинг тилло калити (Пиримкул Қодировнинг “Тил ва Эл” илмий бадиаси таҳлили).....	87
Асиллик (Асил Рашидов портретига чизгилар).....	91
Ҳақгўй (Турсунбой Адашбоев портретига чизгилар).....	97
Бола кўнгли (Менглибой Муродовнинг “Менинг бола калбим” қиссаси таҳлили).....	109
Меҳрга қасида (Уйғун Рўзиёвнинг “Робия” ҳикояси таҳлили).....	120
Ўзбекона кулги қиссаси (Ғафур Шермуҳаммаднинг “Баракасини берсин...” қиссаси таҳлили).....	124
Жон Голсуорси. Адабиёт ва ҳаёт. (Рус тилидан таржима).....	132
Адабиёт ва ҳаёт (Жон Голсуорси мақоласига татаббу).....	142
Сўз санъатидан сабоқлар	
Оҳорли фикр.....	152
Боқий сўз.....	155
Юксак туйғу.....	158
Меҳр ва раҳм.....	161
Тағмаъно.....	164
Маъжоз ва тимсол.....	167
Азал котиблари.....	170
Эга.....	173
Яратувчи.....	175

Иккинчи қисм. Сухбатлар.

Ғалвир сувдан кўтарилганда. (Шоир Мирпўлат Мирзо билан сухбат).....	179
Ўтовдан – отовга! (Қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қаипбергенов билан сухбат).....	184
Ёзувчи ва замон. (Шоир Ориф Тўхташ билан сухбат).....	188
Отаулининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кечадаги давра сухбати.....	199
Ижодий кечадан кейинги зиёфатда айтилган айрим гаплар.....	219

Илмий-адабий нашр

Нашриёт муҳаррири: Файзи Шоҳисмоил
Мусахҳиҳа: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»

масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008
Теришга берилди: 14.01.2012
Босишга рухсат этилди: 15.01.2012
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 15,0
Шартли босма тобоғи 18,05. Адади 200
Баҳоси келишилган нархда

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33

«MUMTOZ SO‘Z»

масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20